

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Қўлни белга тираб туриш мутакаббирлик аломатидир. Намоз эса банда ўзини энг хор тутиши лозим бўлган мақом. Ўз Роббиси ҳузурида гуноҳлари кечирилиши ва сўраганлари берилишини хоҳлаган банда албатта, тавозеъ ила, ўзини хокисор тутган ҳолда туриши лозим.

مُكْدَحًا مَأَقًا إِذَا مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلَّ لَّ صَيَّبَ لَلَّ نَعُ، نَعُ لَلَّ لَّ يَضَّرَّ رَدَّ يَبَّ أَع
نَنَسَّ لَبَّ أَحْ صَأْ هَأَوْرُ. هُوجْ أَوْتَهَ مَحْرَلَّ نَأَفَّ يَصَحَّ لَلَّ حَسَمَّ يَ الْفَهَ الْصَلَّ لَّ يَلَّ

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз намозда турса, тошларни сурмасин. Чунки раҳмат унга юзма-юз турган бўлади», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ерда гап сажда қиладиган жойдаги майда тошлар ҳақида бормоқда. Агар у тошлар сажда қилишга ҳалақит бермаса, тегмаслик керак. Агар ҳалақит берса, бир марта ҳаракат билан текислаб олса жоиз. Майда тошлардан бошқа саждагоҳда бўлиши мумкин нарсаларнинг ҳукми ҳам шундай.

Намозхон саждагоҳидаги нарсаларни намозда туриб, тўғрилаш билан яхши иш қилган бўлмайди. Аввало бу ҳаракати билан намозининг хушуъсига путур етади. Қолаверса, ҳадиси шарифда айтилганидек:

«Чунки раҳмат унга юзма-юз турган бўлади».

Намозда туриб, саждагоҳидаги нарсани супуриб ташлаган одам, гўёки, намоз туфайли ўзига тушиб турган Аллоҳнинг раҳматини ҳам қўшиб супуриб ташлагандай бўлади. Шунинг учун намоз ўқишдан олдин жойни яхшилаб тайёрлаб олиш лозим.

هَيَّ لَعْلَعُ لَلَّ لَّ يَصَّ هَلَّ لَلَّ لُؤْسَرَّ عَمُّ تَيَّ لَصَّ: لَأَقُ نَعُ هَلَّ لَلَّ يَضَّرَّ رَمَّ سَنَبَّ رِبَّ أَعُ نَعُ
رَظَنَفُ، مُكْيَلَعُ مَالَّ سَلَّ مُكْيَلَعُ مَالَّ سَلَّ لَأَنِّي دَيَّ أَبَّ أَلُّ لُقْ أُنْمَلَّ سَ إِذَا أُكْفَ مَلَّ سَوَّ
مُكْيَلَعُ أَبَّ نَوْرِي شُتْ مُكُنْ أَشْ أَمَّ: لَأَقُ فَمَلَّ سَوَّ هَيَّ لَعْلَعُ لَلَّ لَّ يَصَّ هَلَّ لَلَّ لُؤْسَرَّ أُنِّي لَّ
وَدَيَّ بْ ئَمُّ وَيَّ الْوَوَّ حَاصَّ يَلَّ لَّ تَفَتَّ لَيَّ لَفَّ مُكْدَحًا مَلَّ سَ إِذَا؟ سَمُّ شَرَّ لَيَّ خُ بَّ أُنْ دَأْ أَهَّ أَكْ
دَوَادُ وَبَّ أَوُّ مَلَّ سَمُّ هَأَوْرُ.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқидим. Бас, қачон салом берсак, қўлларимиз билан ассалому алайкум, ассалому алайкум, деб (ишора қилар) эдик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга назар солдилар-да:

«Сизларга нима бўлдики, қўлларингиз билан худди отнинг қимирлаб турган думига ўхшатиб ишора қиляпсизлар? Бирортангиз салом берса, шеригига бурилиб қарасин, қўли билан ишора қилмасин», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда намозни аста-секин турли ортиқча гап-сўз ва ҳаракатлардан холи қилиб бориш жараёнидан бир кўриниш васф қилинмоқда. Бошқа ҳадислардан билганимиздек, намоз янги фарз бўлган пайтда одамлар унда баъзи гапларни гапираверишар, турли ҳаракатларни қилаверишар эди. Бу нарсалар аста-секин бартараф этилди.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу ривоят этишларича, намозда салом берилганда ўнг ва чап томонга қўл билан салом ишораси қилинар экан. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни ман этибдилар.

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифдан ўта зарур бўлмаса, намозда қўл билан бирор ишора қилиш макруҳ эканлиги ҳақидаги ҳукмни олганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.